

Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида ўтказилади



О'зЛиДеР Термиз туман Кенгаши ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази Термиз тумани бўлими ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда туман ёшлари, партия вакиллари иштирок этишди. Унда сўз олганлар мустақиллигимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, унинг тарихий аҳамияти ҳақида, шунингдек, кейинги йилларда юртимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашларини таъмилаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтишди.